

**МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ НАЗАРИЙ
ЁНДОШУВЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ****Бобур Норматов Муйдинжонович***“PROMAX EDUCATION” нодавлат таълим муассасаси раҳбари*

Аннотация: *Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти фақат табиий ресурслари билан эмас, балки меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва сифати билан ҳам белгиланади. Ҳар қандай минтақада доимий равишда ўзгариб турадиган меҳнат баланси ҳамда ундан фойдаланиш мавжуд бўлиб, меҳнат ресурсларини узлуксиз такрор ишлаб чиқариш модели шаклланимоқда.*

Калит сўзлар: *меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол, иқтисодий нофаол, меҳнат бозори, ишсизлик, бандлик*

Иқтисодий фаолият юритишнинг ҳамма шакллари ва кўринишларида тараққиётга эришишнинг бош омили - меҳнат ҳисобланади. Меҳнат - инсоннинг маълум даражадаги эҳтиёжларини қондира оладиган ва ўзига керак бўладиган моддий ёки маънавий неъматлар: буюм, товар, хизмат, фан, маданият, санъат асарлари ва ҳоказоларни ишлаб чиқариш, яратиш бўйича онгли, мақсадли фаолиятдир.

Меҳнат ресурслари тушунчаси илк бор 1922 йилда Рус олими С.Г.Стримулин томонидан фанга киритилган ва илмий-иқтисодий жиҳатдан изоҳлаб берилган.²⁴

С.Г.Стримулин меҳнат ресурслари тушунчасига ўзи яшаб турган давр нуқтаи назаридан қараб таъриф берган, яъни у меҳнат ресурсларини режалаштирилувчи, нофаол ишчи кучи йиғиндиси сифатида талқин этган. Бугунги кунга келиб, мазкур атама бир қанча кенгроқ талқин этилмоқда.

В.А.Галкин ва А.В.Белокопйтовнинг таъкидлашича, "меҳнат ресурслари" атамаси меҳнатга лаёқатли аҳолини миқдорий жиҳатдан ҳисобга олишга имкон берадиган, аммо унинг сифат кўрсаткичи эса таркибсиз, меҳнат ресурсларини режалаштириш ва ҳисобга олиш ўлчови бўлиб хизмат қилган.²⁵

Меҳнат ресурслари сони ва таркибини шакллантиришнинг асосий омили - аҳолининг сони ҳисобланади, унинг жинси ва ёши таркиби, умумий таълим ҳамда касбий даражалари ҳисобланади. Шу билан бирга, меҳнатга лаёқатли аҳоли меҳнат ресурсларининг асосий контингентини ташкил қилади.

Олимларнинг "меҳнат ресурслари" тарифи ҳақидаги турли хилдаги ёндашувларини тизимлаштирдим. (1-жадвал).

²⁴

https://www.studmed.ru/kolobova-ai-larionceva-am-nekotorye-teoreticheskie-polozheniya-trudovyh-resursov-i-trudovogo-potenciala_d70496078b5.html А.И.Колобова, А.М.Ларионцева Некоторые Теоретические Положения Трудовых Ресурсов И Трудового Потенциала. "Понятие «трудовые ресурсы» было впервые сформулировано в 1922 г. в одной из статей академика С.Г. Струмилина для характеристики национального богатства страны - трудового потенциала."

²⁵

https://www.studmed.ru/kolobova-ai-larionceva-am-nekotorye-teoreticheskie-polozheniya-trudovyh-resursov-i-trudovogo-potenciala_d70496078b5.html Экономика И Менеджмент Удк 331 А.И. Колобова, А.М. Ларионцева Некоторые Теоретические Положения Трудовых Ресурсов И Трудового Потенциала

К.С.Ремзов, Г.Э.Блексисингер, В.А.Шешин ва бошқалар меҳнат ресурсларини иқтисодийнинг давлат секторига бўйича кўриб чиқдилар.

1-жадвал

Олимларнинг “меҳнат ресурслари” тушунчасига таърифлари.²⁶

"Меҳнат ресурслари" тушунчасининг таърифи	Муаллифлар ва уларнинг таърифлари
Мамлакатнинг халқ хўжалигида ишлаш учун зарур жисмоний ривожланиш, билим ва амалий тажрибага эга аҳолининг бир қисмидир.	Совет энциклопедик лугати. 3-нашр.
Ҳар икки жинсдаги аҳолининг ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланишга қодир қисми. Улар иккита аҳоли гуруҳидан иборат: иқтисодий фаол аҳоли (ИФА) ва иқтисодий нофаол аҳоли (ИНА).	Зинченко А.П.; Шакиров Ф.К.
Аҳолининг меҳнатга лаёқатли, яъни меҳнат фаолияти учун жисмоний ва интеллектуал қобилиятларга эга, моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга лаёқатли қисми. Улар ИФА ва ИНА дан иборат. Ишчи кучига иқтисодий банд бўлган ва бирон-бир сабабга кўра иш билан таъминланмаган, лекин маълум бир ёшдаги мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли фуқаролари, яъни реал ва потенциал ишчилар киради.	Адамчук В.В.
Меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатли фуқаролар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ҳамда каттароқ меҳнатга лаёқатли фуқаролардан иборат.	Н.М. Воловская
Меҳнатнинг исталган соҳасида ишлаш учун зарур жисмоний ва интеллектуал ривожланиш, қобилият ва билимга эга аҳолининг бир қисмидир.	Ремизов К.С.; Слезингер Г.Э.
Керакли мутахассисликлар бўйича тегишли касбий билим ва кўникмаларга эга бўлган мамлакат аҳолисининг бир қисми халқ хўжалигида ишчи кучи сифатида фойдаланиши мумкин.	В.А. Шешин

Бир қатор олимлар (В.В.Адамчук, А.П.Зинченко, Ф.К.Шакиров ва бошқалар) меҳнат ресурслари таркибига иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол аҳолини ажратадилар. Иқтисодий фаол аҳоли (ХМТ методологияси бўйича) банд бўлганлар ва ишсизларни ўз ичига олади. Бинобарин, меҳнат ресурслари мавжуд ишчи кучидан ташқари унда жамиятни қондиришнинг потенциал манбаларини ҳам ўз ичига олади.

²⁶ Экономика И Менеджмент Удк 331 А.И. Колобова, А.М. Ларионцева Некоторые Теоретические Положения Трудовых Ресурсов И Трудового Потенциала. 54 б.

Хорижий адабиётларда "инсон ресурслари" атамаси қўлланилади. Бундан ташқари, бутун дунё статистиклари иқтисодий фаол аҳолини ҳақиқий инсон ресурслари сифатида тан оладилар.

Меҳнат ресурслари деб, ўзининг ақлий ва жисмоний меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган меҳнатга қобилиятли кишилар тўпламига айтилади.²⁷

Шунингдек меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг ўз психофизиологик ва ақлий қобилиятлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга ёки хизматлар кўрсатишга қодир бўлган қисмидан иборатдир.²⁸

Юқоридаги таърифдан кўринадики, меҳнат ресурслари ўз ичига, бир томондан, иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлган кишиларни, бошқа томондан, банд бўлмаганлар, лекин меҳнат қилиш қобилиятига эга шахсларни ўз ичига олади.

Ушбу таърифлардан шу хулоса келиб чиқадики, меҳнат ресурслари ўз ичига иқтисодиётда меҳнат билан банд бўлган инсонларни ҳам, меҳнат билан банд бўлмас ҳам меҳнат қилишлари мумкин бўлган инсонларни ҳам қамраб олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Экономика И Менеджмент Удк 331 А.И. Колобова, А.М. Ларионцева Некоторые Теоретические Положения Трудовых Ресурсов И Трудового Потенциала
2. А.И.Колобова, А.М.Ларионцева Некоторые Теоретические Положения Трудовых Ресурсов И Трудового Потенциала. “Понятие «трудовые ресурсы» было впервые сформулировано в 1922 г. в одной из статей академика С.Г. Струмилина для характеристики национального богатства страны - трудового потенциала
3. Толаметова З.А. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. “Фан ва технология” 2017.

²⁷ Толаметова З.А. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. “Фан ва технология” 2017. 21 бет.

²⁸ Толаметова З.А. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. “Фан ва технология” 2017. 22 бет.